



## ИНГЛИЗ ТИЛИДА “HAND-ҚЎЛ” СЕМАСИГА ОИД СЎЗЛАРНИНГ СЕМАНТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Араббой Мамажонов<sup>2</sup>

<sup>1</sup> Андижан машинасозлик институти

Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси мустақил тадқиқотчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.5812783>

### МАҚОЛА ТАРИХИ

Qabul qilindi: 10-Dekabr 2021  
Ma'qullandi: 15-Dekabr 2021  
Chop etildi: 20-Dekabr 2021

### KALIT SO'ZLAR

синтагматика,  
парадигматика, лексик-  
семантик майдон,  
ретсептор,  
полисемантик,  
интенсивлик, сема.

### ANNOTATSIYA

Мақола инглиз тилида “hand-қўл” семасига эга бўлган сўзларнинг семантик хусусиятларини таҳлил қилишга бағишланган бўлиб унда инглиз тилидаги бундай лексемаларнинг ахборот етказишдаги роли ва уларнинг стилистик хусусиятлари ёритилган. Инглиз тили материали асосида “hand-қўл” семантикасини мазмун-моҳиятини аниқлаш ва матнда қўлланиш хусусиятларини семантик-прагматик нуқтаи назардан тадқиқ этишдан иборат.

Маълумки, дунёни билиш жараёнида тафаккур тизими билан тил тизими бир-бирини тўлдирадиган, бир-бирининг мавжуд бўлишини тақозо этадиган ҳодисалар сифатида юзага чиқади. Таниқли рус тилшуноси С.Д. Кацнельсоннинг таъбири билан айтгана, “тафаккур тизими тил тизими томонидан такрорланади, тафаккур тизимининг асосий структурал хусусиятларни такрорласа ҳам ундан моҳиятан (кескин) фарқ қилади”[2].

Атроф-муҳитдаги реал дунёни билиш жараёнида инсонда ўша атрофдаги нарса ва ҳодисаларни таниши (тушуниш ва ушлаб кўриш) ва улар ўртасидаги узвий боғлиқлик

ҳақида тасаввур (концепт) ҳосил бўлади. Инсоннинг дунёни билиш жараёнида тушунчаларнинг шаклланиши инсон сезги органларининг, унинг асаб тизими ва мияси ҳамкорлигидаги фаолияти натижасида ҳосил бўладиган туйғу асосида инсон онгида бизни ўраб турган борлиқнинг субъектив образи тарзида рўй беради.

Ҳозирги тилшуносликнинг предмети, мақсади, изланиш методлари ва уларнинг йўналишларини англатувчи асосий координатлари кесишадиган марказ - инсондир. Бунда ҳар қандай лисоний характердаги тадқиқот “инсон омили” тамойили



асосида амалга оширилади. Дунёни билишни инсон ўзидан бошлайди, бошқача айтганда, тадқиқот антропонимик йўналишда амалга ошади. Бунда асосий рольни “соматизм”лар - инсон тана аъзоларининг номлари, соматик таркибли фразеологизмлар фаол иштирок этадилар.

Сезги органлари ичида қўл соматик таркиблардан бири ҳисобланиб у ушлаш, тушуниш, ҳис қилиш вазифасини бажаради. У инсонга атроф-муҳитдаги жамики предметларни ушлаш, ташқи оламни туйиш ва унда ўз ўрнини топиб юриш имконини беради. Бундан ташқари, қўл жисмоний объект, яъни ўз шаклига, сонига (жуфт) ва ўз ҳаракатланиш хусусиятига эга бўлган инсон танасининг ташқи аъзоси сифатида тасаввур ҳосил қилади.

Инглиз тилидаги “hand” лексемасига луғатларда берилган таърифларга эътибор берамиз. А.С.Хоринбининг икки мингнингчи йил чоп этилган “Oxford advanced learner’s dictionary of current english” луғатида берилишича[4]:

• “part of the body” (the part of the body at the end of the arm, including the fingers and thumb) ( Одамнинг бармоқ учларидан елкасигача бўлган қисми, шу аъзонинг билакдан бармоқлар учигача бўлган қисми). Ian placed a hand on her shoulder.

• “Help” (ёрдамчи, ёрдам маъносида). Let me give you a hand with those bags [4].

• “Role in situation” (айрим ҳолатлардаги рўль). Several of his colleagues had a hand in his downfall.

• “On clock\ watch” (соат стрелкаси, вақт бирлиги). Hour hand, minute hand, second hand.

• “Worker” (қўшимча куч, ёрдамчи куч). Farmhand, Hired hand.

• “SAILOR” (сузувчи, эшкак тортувчи). DECKHAND. All hands on deck.

• “Hand” (қўл тўқима, қўл билан ишланадиган). Hand-knitted, hand-painted pottery.

• “In card games” (карта ўйиндаги улуш). I\*ll have to leave after this hand.

• “Writing” (ёзишма, ўзига хос услубдаги ёзув). Freehand.

• “Measurement for horse” (отларни ўлчов бирлиги). DAB HAND, OLD HAND, UNDERHAND.

• (in adjectives) (бирор бир нарсага мўлжалланган муюм). a one-handed catch, left-handed scissors

Берилган таърифларга қўшимча тарзда яна бир луғат маълумотларини қўшиш мумкин. Вебстернинг “Инглиз тилининг учинчи янги халқаро луғати” (Webster’s third new international dictionary of the English Language”, Konemann, 1993) да от сўз туркумига кирувчи қўлнинг қўшимча қуйидаги маъноларини кузатамиз [5]:

• шахсий мол-мулкни қўлдан чиқармаслик учун ташвишланиш

• масъул шахс, масъулятли

• маълумот манбаи бўлган қўлзма: HANDIWORK

• Айланувчи панжара (автоматик тарзда)

• махаллийлик, қўшничилик ёки ёнида жойлашган: He comes from over near Kendal.

• қўлда ўйналадиган ўйин турлари: HANDGAME.

• Мато ёки терининг силлиқ,



юмшоқ, иссиқлиги.

Бундан ташқари, қўлни харакатига кўра узун ёки калта тарзда таърифлаш мумкин. Бу эса инсон сезгисининг қоришиқ характерда эканидан далолат беради.

Юқорида зикр этилган таърифларнинг

биринчисида қўлни инсонятни хаётидаги энг мухим органи сифатида характерлайди. Иккинчи таърифда эса қўлни харакати билан тайёрланувчи нарса ёки предмет каби ёрдамчи комонентларни ҳам қўшаяпти.

Кўпинча сўзловчининг диққат марказида қўлнинг харакатланиш усули туради:

• яқин-узоқлиги (бир-бирига) (at hand, at the hands of sb, at sb\*s hands, at the hands sb, be good with your hands,): The property is ideally located with all local amenities close **at hand**.

• алоқа қилиш нуқтаи назаридан (Feel, finger, handle, rub, stroke, pat, tap, squeeze, hold): I felt the bag to see what was in it; She fingered the silk delicately; Handle the fruit with care;

• чора кўриш нуқтаи назардан (grab, snatch): I grabbed his arm to stop myself from falling; She snatched the letter out of my hand.

• ушлаш, тутиш (Clasp, clutch, grasp, grip): Her hands were clasped behind her head; The child was clutching a doll in her hand; Grasp the robe with both hands and pull; He gripped his bag tightly and wouldn\*t let go.

Қолган ҳолларда ушбу аъзо бажардиган вазифаларга эътибор қилинади:

By hand, to get your hands dirty, hand in glove(sth/sb) , hand in hand, go hand in hand, to get/ take your hands off (sth/ sb); For example; The Faberlik was painted by hand.

Бундан ташқари қўлни қуйидаги кўчма маъноларини ҳам луғатларда кузатдик.

• Инсон турмуш тарзини ифодаловчи бирикма сифатида: Sb\*s hand - (in marriage), hold sb\*s hand. For example; He asked the general for his daughter\*s hand in marriage. Do you want me to come along and hold your hand

• Бошқарув, ҳукмронлик, босиб олиш: Fall into sb\*s hands/ the hands of sb, in the hands of sb/ in sb\*s hands, keep your hand in, to lay/get your hands on sb - For example; The tawn fell into enemy hans. The matter is now in the hands of my lawyer.

• Бандлик, имконсизлик, қаттиққўллик, боғлаб қўйиш: To have your hands full, to have your hands tied, to take sb in hand, to take sth into your own hands, in hand - For example; She certainly has her hands full four kids in the house. I really wish I could held but my hands are tied.

• Ишонч, хошиш, истак, эрк каби феъллар таржимасида ҳам кузатишимиз мумкин: in sb\*s capable hands, in hand - For example; Can I leave these queries in your capable hands. In hand is the one that you are dealing with. In hand they are paid for the work a week.

• Ёрдамчи куч сифатида: Many hands make light work.

• Инкорликни ифодаловчи сўз бирикма сифатида келиши мумкин: Out of hand, not do a hand\*s turn, to



lay/get your hands on sth, throw your hand in (ишни тўхтатиш), off your hands (масъулятсиз) - For example; Unemployment is getting out of hand. All our suggestions were dismissed out of hand. I know their address is here somewhere, but I can't lay my hands on it right now. She hasn't done a hand's turn all week.

• Пул сарфлаш ёки кимгадир бериб туриш: To put your hand in your pocket - I have heard he doesn't like putting his hand in his pocket.

• Қайта-қайта таъкидлаш, такрорлаш: At second, third hand - I'm fed up of hearing about these decisions third hand.

• Мақсадга эритпиш. етишмоқ, уйдламоқ: To hand, to turn your hand to sth - I'm afraid I don't have the latest figures to hand. Mark can turn his hand to most jobs around the house.

• Хуч қандай имконият қолдирмаслик: Hand sth to sb on a plate - Nobody's going to hand you success on a plate.

Бундай ҳолларда қўл инсонга соматик орган сифатигина эмас, балки инсонга ташқи оламни тўлақонли тарзда билиб олиши, туйишида ўзига хос инструмент (восита) вазифасини бажараяпти.

Қўлнинг қуйидаги хусусиятларини ҳам таъкидлаш лозимдек кўринади:

“Hand” семасига эга бўлган лексемалар to play into sb's, to take sth or sb каби феъллар билан қўлланилганда кўчма маънода қўлланилиб “қўл - душман ёки рақибни устида доимий равишда ғалаба қозонувчи предмет, нарса, муюм”, “қўл - қаттиққўллик,

бақувват мускул манбаи” каби метафорик моделлар ҳосил қилади. М.: If we get the police involved, we'll be playing right into the protesters' hand.

Бундай моделларни айрим мақол ва маталларда ҳам учратиш мумкин: A long tongue is a sign of a short hand; To make a man happy, fill his hands with work - (Киши хурмати ўз қўлида) мақолида эса “хурмати - қўли” метафорик модели қўлланган.

Ушбу мисолларга таянган ҳолда айтиш мумкинки, инглиз тилида “hand” семасига эга бўлган сўзлар инсоннинг ички ва ташқи дунёси ўртасидаги ўзига хос чегара ролини бажараяпти.

Қўлнинг икки хил (дуалистик) характери киши диққатини ўзига тортади. Инсоннинг иш-меҳнат бажарувчи аъзоси сифатида “предметлик” ва “муқим (ўзгармас)лик” хусусияти намоён бўлса, белги (кўрсаткич) сифатида “энг яқин ва ишончли ёрдамчиси” хусусиятлари намоён бўлади.

Қўлнинг бир ҳолатига қараб туриб инсон табиатини тушунилса, иккинчи бир ҳолатига қараб унинг хаёт тарзини, қандай касб эгаси бўлганлигини тушиниш мумкин. Инсон қўли у бошидан кечириётган хурмат, ёвузлик, бахт, саодат, хафалик, қизиқувчанлик, самимийлик, олижаноблик каби кўплаб туйғу элементларини ифодалаши мумкин. М.: “A man's hands show how he lived ; These packed hands prove that this man lived by honest labour” [10]; “The evil hand is the cousin of society and leads the country to evil vices, chaos”[9]; “ The development of the homeland is known from the packing hands of the people” [9].



Метафорик моделлар билан бир қаторда инглиз тилида “қўл - инсон (танаси) “ типидagi метонимик моделларда ҳам қўлланилади. “бир томондан олиб қарагандабошқа томондан эса. - on the one hand on the other (hand); М.:“On the hand they\*d love to have kids, but on the other, they don\*t want to give up their Freedom” [10].

Юқорида зикр килинган мулоҳзаларга таянган ҳолда таъкидлаш мумкинки,

қўл инсон танасидаги факат харакатланувчи органигина эмас, балки, у ўз шакли, ҳажми ҳамда ўз ўрнига эга бўлган жисмоний объект бўлиб, у кишининг жисмоний ҳолати ва ҳис-туйғуларини ифодаловчи муҳим соматизмлардан бири бўлиб, у лисоний тадқиқот учун объект сифатида хизмат килади.

### FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Арутюнова Н.Д. Язык и мир человека / Н.Д. Арутюнова. 2-е изд., испр. М.: Яз. рус. культуры, 1999. 896 с. (Язык. Семиотика. Культура).
2. Кацнельсон С.Д. Категории языка и мышления: из научного наследия / С.Д. Кацнельсон. М.: Яз. славянской культуры, 2001. 864 с.
3. Ўзбек тилининг ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ. А.Мадвалиев. 5- том “Ўзбекистан миллий энциклопедияси” давлат илмий нашретиб Тошкент - 2020. 402-407 бетлар.
4. Hornby A.S. OXFORD Advanced Learner\*s dictionary. sixth edition/ Edited by Sally Wehmeier. OXFORD UNIVERSITY PRESS, 2000. P. -581-582-583.
5. Webster’s third international dictionary of the English language. Konemann.1993.
6. Мадвалиев А. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. II- жилд, Т., 2006. 612-616 бетлар.
7. Ш.Искандарова. Ўзбек тили лексикасини мазмуний майдон сифатида ўрганиш (шахс микромайдони). - филол. фанлари док. автореферат-Т.1999.
8. А.Собиров.Ўзбек тилининг лексик сатҳини системалар системаси тамойили асосида тадқиқ этиш.- Т.Маънавият.2004.
9. John Galsworthy. Apple Tree and other stories [Text]. J. Galsworthy. - М.: Изд-во лит. на иностр.яз, 1961
10. William Somerset Maugham. Cakes and Ale or the Skeleton in the Cupboard [Text]. W. S. Maugham. - М.: Менеджер, 2000.